SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 2-may • Seshanba • 51 (27.543) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 йил 2-3 май кунлари расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Покистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама этадилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

## 2006 йил 8 май душанба иш кунини 2006 йил 6 май шанба кунига кўчириш тўғрисида

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2006 йил 8 май душанба иш куни 2006 йил 6 май шанба кунига кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 май*

# «УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!»

### АНДИЖОНДА ЎТГАН КАТТА КИТОБ БАЙРАМИ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Улуғимсан, Ватаним!» шиори остида республика китоб байрами ўтказилди



Унда агентлик тизимидаги «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Чўлпон ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва «Маънавият», «Янги аср авлоди» нашриётлари томонидан сўнгги йилларда чоп этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий ва бошқа мавзулардаги энг сара асарлар намойиш этилди.

Тадбирни Андижон вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи А.Султонов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни байрам билан қутлади. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов, вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Ибрагимовлар сўзга чиқиб, тадбир мақсади ҳақида гапирдилар ҳамда шу каби китоб кўргазмалари ўтказиш, китобхонлик кечалари, мушоиралар ташкил этиш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Андижон Бобур кўз очган юрт, Чўлпонга илҳом берган гўша. Бу заминда катта адабиёт камол топган. Бугун ҳам кўплаб истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Бу эса ёшларнинг дадил ижод қилишаётгани, азалий анъаналар давом этаётганидан далолатдир, — дейди Абдулла Орипов.

— Ушбу китоб сайлининг ташкил этилиши биз учун катта имконият бўлди, — дейди Андижон давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Саида Умарова. — Чунки, биз айрим китобларни тополмасдик, улардан бехабар қолардик. Мана ҳамма янги асарлар билан танишдик. Китоб ўқимаган кишидан нимани ҳам кутиш мумкин? Ахир китоб маънавий комилликка элтувчи ягона йўл-ку.

Шундан сўнг пойтахтлик меҳмонлар ва байрам қатнашчилари вилоят кутубхонасида «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» мавзуида мустақиллик йилларида чоп этилган китоблардан иборат кўргазманинг очилишида иштирок этишди. Ижодкорлар китобхонлар билан очиқ мулоқотда бўлдилар. Ёш шоирларнинг мушоираси ўтказилди.

— Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романларининг янги ўзбек алифбосида босилгани тенгдошларим қатори менга ҳам ёқди, — дейди Андижон давлат тиллар педагогика институти талабаси Назокат Ҳакимова. — «Президентга мактублар» китобини чоп этган «Маънавият» нашриёти жамоасига раҳмат деймиз. Чунки уни ўқиб Юртбошимиз билан бевосита мулоқот қилгандай бўлдим.

Шундан сўнг Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Андижон шаҳридаги 2-Меҳрибонлик уйи кутубхонасига сўнгги йилларда чоп этилган турли мавзудаги китоблар тақдим этилди.

Шунингдек, республика китоб байрами меҳмонлари бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчилари Муҳаммад Али, Тоҳир Малик, таниқли шоирлар Абдували Қутбиддин, Минҳожиддин Мирзо, андижонлик шоирлар — Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Хуршидабону, Наби Жалолиддин ва бошқа ижодкорлар иштирокида Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида, педагогика касб-ҳунар коллежида, шунингдек шаҳардаги Форобий номли маҳалла фуқаролар йиғинида қизиқарли суҳбат ва учрашувлар ўтказилди.





**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

**Суратларда:** китоб байрамидан лавҳалар.

**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар Ўзбекистон футбол жамоаларига халқаро майдонда сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, «Пахтакор» (Тошкент), «Нефтчи» (Фарғона), «Насаф» (Қарши) клублари шулар жумласидандир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига Спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурининг амалга оширилиши туфайли республикада ҳар йили замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стадионлар сони кўпаймоқда. Энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали футболчилар тарбиялаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда миллий чемпионат нуфузини ва мақомини ошириш, юқори классли футболчиларни ва спорт захирасини тайёрлашни ташкил этиш ва таъминот ишлари сусайди, Ўзбекистон футбол жамоаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомийлари ва донорларининг фаоллиги пасайди. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) ва МҲСК (Тошкент) футбол клублари фаолиятини тўхтатди. Кўп йиллик тарихга эга бўлган «Қўқон-1912», «Сурхон» (Термиз), «Зарафшон» (Навоий) футбол жамоалари машҳурлигини йўқотмоқда.

Мазкур камчиликлар ҳозирги вақтда етарли моддий-техника базасига, маблағ билан таъминлаш манбаларига, шунингдек, малакали ходимларга эга бўлмаган бир қатор вилоят футбол федерациялари ишларининг сустлиги оқибатидир. Вилоятларда болалар-ўсмирлар жамоалари ўртасида ўқув машғулотлари жараёнининг ва мусобақаларнинг паст савияда ташкил этилаётганлиги тегишли футбол федерациялари ишларининг сустлиги, айрим минтақаларда эса — уларнинг ишдан ўзини четга олишлари ҳамда бунга вилоят, шаҳар ҳокимликлари томонидан эътибор берилмаётгани билан бевосита боғлиқдир.

Футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Футбол федерациясини ва футбол клубларини ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори классли футболчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг:

фаолият кўрсатаётган футбол клубларини қайта ташкил этиш йўли билан мулкчиликнинг турли шаклларидаги профессионал футбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги;

захира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий деб ҳисоблаш ҳақидаги;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Россия тренерлар олий мактаби филиалини очиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги;

Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасини унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллари билан бирга ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

*(Давоми 2-бетда)*

**ЎзХДП ҳаёти**

# МИЛЛАТ ТАРБИЯСИ — ШАХС ТАРБИЯСИДАН БОШЛАНАДИ

### бу мафкуравий тарғибот ишларимиз таъсирчанлигига боғлиқ. Наманган вилоят партия кенгаши пленумидан келиб чиқадиган хулоса шундай

— Партия мафкурасини ривожлантириш, мафкуравий ишлар самарадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилинган партиямиз Марказий Кенгашининг IV пленумидан кўпчилигимиз хабардормиз, — деди ўз маърузасида кенгаш раиси Абдурашид Убайдуллаев. — Пленум шу йил биринчи апрель куни бўлиб ўтганди. Қарангки, ўша кунлари Президентимиз «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекдилар. Бу эса мафкура масаласи партиявий фаолиятимиздагина эмас, бутун мамлакат ҳаётида долзарб бўлиб турганлигидан далолатдир.

Дарҳақиқат, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич тузилмаларда маънавий-маърифий, мафкуравий ишлар йўлга қўйилди. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, касаба уюшмалари ва бошқа давлат, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиб борилаётган ташвиқот ишларининг барчасида бош мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ўз ифодасини топмоқда. Партия дастурий мақсадлари давлатимиз сиёсати билан уйғунлигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Айрим замондошларимизда сақланиб келаётган бепарволик иллатига, боқимандалик ва лоқайдликка қарши таъсирли чоралар кўрилмоқда.

Ёшларга Фуқаролик паспортини тантанали топшириш маросими анъанага айлантирилгани, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган масалалар бўйича жойларда муҳокамалар ўтказилаётгани, амалий ечим топаётгани вилоятда ХДП нуфузини кўтармоқда.

Бироқ вилоят кенгаши раиси пленумдаги маърузасида қилинаётган ишларга танқидий ёндашди.

— Маҳаллалар бўйича ишсизлар сонининг аниқ ҳисобини ҳанузгача жамлай олмаганимиз, айрим корхоналарнинг иқтисодий депсиниб қолаётгани натижасида вақтинчалик ишсиз қолаётган баъзи ҳамюртларимиздаги кайфиятсизлик, булар мафкуравий тарғибот ишларимиз етарли эмаслигининг натижаси эмасми?

Вилоят ҳокимлиги, партиямиз Дастурига, дастурий интилишларимизга хайрихоҳлик ила эътибор билан муносабат билдириб турганда, нега ташаббус билан чиқмаймиз? Депутатлик гуруҳларимиз қаерга қараяпти? Коммунал хизмат соҳасидаги айрим масалалар ечимини топишда одамлар партиямиздан умидвор бўлиб турибди. Бу борада шартномавий муносабатларни қарор топтириш ишига нега туман кенгашлари панжа орасидан қараши керак?

Маърузачи мафкура соҳасидаги энг оғриқли нуқталарга эътибор қаратди. Чиндан ҳам ислоҳотларнинг шундоқ қизғин палласида муаммолар ечимига эскича ёндашув билан қараётганлар тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда.

Мингбулоқ, Поп, Учқўрғон туман кенгашлари партиямиз фаолларининг мафкуравий ишларни қўллаб-қувватлашга, интилишларига, улар билан яқин алоқада бўлишга хафсаласизлик билан қарамоқдалар.

Келгуси сайловларгача ҳали вақт бор деган хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Халқ назари — улуғ. Мавжуд сиёсий кучлар орасида сўллик позициямиз билан ўз йўналишимиз бўйича собит қадам бўлсак, ҳар бир фуқаро онгида мен жамият олдида масъулман, деган тушунчани шакллантиришга эриша олсак, миллат тарбияси деган вазифа бажарилишига ҳисса қўшган бўламиз. Зеро, миллат тарбияси шахс тарбиясидан, шахсни шакллантиришдан бошланади.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар ҳам бу борада аниқ фикр билдирдилар.

**Абдурасул МАДРАҲИМОВ, халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Маърузада аччиқ бўлса ҳам тўғри таъкидландики, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси қизғин, фаоллик билан ишлаб турган бир пайтда, маҳаллий Кенгашлар, айниқса, туман Кенгашларида депутатлар фаолияти жуда суст. Орамизда бир амаллаб депутатликка сайланиб олган баъзи бир лоқайд кишилар ҳам борлиги маълум бўлиб қолмоқда.

Сайловчилар фаоллашганини, айрим сайлаб қўйган вакилларидан норози бўлишаётганини ҳисобга олсак, депутат фаолияти мониторингини ўтказиб, тартибга солиш керак бўляпти. Агар хулоса чиқармаса, уларни депутатликдан чақириб олиш масаласини кўриш зарур. Энди юзакичилик, қоғозда иш битириш, ёлғон ахборотлар билан юрганларга орамизда ўрин йўқ.

**Муҳсинжон БОБОХОНОВ, ХДП Чуст туман кенгаши раиси:**

— Мафкуравий иш сиёсий институт сифатида ХДП аъзоларининг асосий фаолият мезони. Сўз ва иш бирлигига эришиш шарти ҳар бир қадамда зиммамиздаги масъулият бўлиб туриши керак. Бу унутилса, атрофдагилар ишончини йўқотамиз. Ишонч билдирилмаган фаолиятнинг ҳеч биримизга кераги йўқ. Дастурий мақсадларимиз тарғиботида амалий ишларимизда эҳтиросга берилмай, аниқ ҳисоб-китоб ва қонуний ахлоқ мезонларига таяниб фаолият юритсак, бизни амалда қўлловчилар ҳам кўпаяверади.

**Аҳмаджон МАВЛОНОВ, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси:**

— Мафкурани атрофдагилар онгига сингдириш учун руҳий куч керак. Режаларимиз амалий натижаси билан кўзга кўриниши зарур. Биз маҳаллаларда ёшларга паспорт топшириш маросимлари мазмунини янада бойитмоқдамиз. Бугун жойларда компьютер марказлари кўпайди. Ёшлар қаноти ана шу жойларда ўзининг ячейкаларини тузиб, улар орқали тарғибот ишларини олиб бориш бўйича аниқ режага эга бўлишлари керак. Чунки, биз партиянинг муаммо қўювчи эмас, балки муаммолар ечими бўйича амалий ҳаракат қилувчи, таклифлар берувчи қанотимиз.

Пленумда партия вилоят ташкилотининг 2005 йилги бюджети ижроси ва 2006 йилги бюджет лойиҳаси, вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти ва ижроқўм таркибига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва партия мафкурасининг асослари ва дастурий интилишлари йўналишлари хусусида нутқ сўзлади.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 2 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | |
|---|---|
| **1 Австралия доллари** | **926,44** |
| **1 Англия фунт стерлинги** | **2227,84** |
| **1 Дания кронаси** | **206,62** |
| **1 БАА дирхами** | **332,22** |
| **1 АҚШ доллари** | **1220,13** |
| **1 Миср фунти** | **212,38** |
| **1 Исландия кронаси** | **16,48** |
| **1 Канада доллари** | **1092,82** |
| **1 Хитой юани** | **152,30** |
| **1 Малайзия ринггити** | **336,63** |
| **1 Польша злотийси** | **398,02** |
| **1 СДР** | **1794,88** |
| **1 Туркия лираси** | **923,29** |
| **1 Швейцария франки** | **985,09** |
| **1 ЕВРО** | **1540,41** |
| **10 Жанубий Корея вони** | **12,94** |
| **10 Япония иенаси** | **107,84** |
| **1 Россия рубли** | **44,74** |
| **1 Украина гривнаси** | **241,61** |

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
*Хизматлар лицензияланган*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
*Хизматлар лицензияланган*

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
*Хизматлар лицензияланган*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ҚАРОРИ**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2. Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, профессионал футбол клублари томонидан ташкил этилиши ва у қуйидагиларни таъминлаши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин:

мамлакатимиз оммавий ва профессионал футболини ривожлантиришга, профессионал футбол клубларини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

футбол жамоаларининг алоҳида намуна кўрсатган иқтидорли ўйинчиларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини яратиш, қобилиятли ёшларни футболга жалб этиш, футболчилар янги авлодининг ишончли захирасини шакллантириш;

тажриба алмашишда ҳамда Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратларини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори классли футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишда кўмаклашиш;

мамлакатимиз футболини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва хорижий ҳомийларни, манфаатдор корхоналар ва жамоат ташкилотларини ҳамкорлик қилишга жалб этиш.

3. Белгилансинки, профессионал футбол клубини ташкил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек, тижорат тузилмалари, юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан уларнинг шакллантирилаётган клублар ташкилий ва молиявий масалаларини ҳал этишдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабини, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон Футбол федерацияси тасарруфига ўтказсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларининг ишларини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этсин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлайди, қайта тайёрлайди ҳамда уларнинг малакасини оширади;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Футбол федерацияси ва профессионал клубларнинг буюртманомалари бўйича амалга оширилади;

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабининг таълим жараёнида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг кадрлар, илмий-методик ва ресурс салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади.

6. Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Пахтакор» ОАЖнинг эркин сотиш учун мўлжалланган акцияларининг 49 фоизини «Пахтакор» Футбол клуби» қўшма корхонасига унинг томонидан стадионни ҳамда комплекснинг бошқа спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда белгиланган тартибда топшириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлашдан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшайдиган маблағларни футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтирган ҳолда озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мамлакатда оммавий футбол ҳаракати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, мутахассислар ва тренерлар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсин, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб этсин ва реклама қилсин.

Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон чемпионати ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўйинларини трансляция қилиш учун телевизион ҳуқуқларга эга бўлиш юзасидан шартнома тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 май*

# ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

### МУАММОНИ ЎЗИМИЗ ҲАЛ ЭТАМИЗ

Шу мавзуда **Ангор, Чироқчи, Ҳазорасп туманлари**да бўлиб ўтган давра суҳбатларининг асосий мақсади энг чекка-чекка қишлоқларда яшовчи хотин-қизлар ҳаёти билан танишиш, уларнинг ўй-фикрлари, ҳаёт тарзи тўғрисида дилдан суҳбатлашишга қаратилди. Тадбирлар аввалида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова ҳамда бир гуруҳ хотин-қизлар шу ҳудуддаги бир нечта шифохона, мактаб ва болалар боғчаларини кўздан кечирдилар. Давра суҳбати иштирокчилари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар, муаммолар ҳамда уларнинг ечими ҳақида фикрлашдилар. ЎзХДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг тегишли масалаларнинг ҳал этилишида иштироки ҳақида келишиб олинди.

✧✧✧

### «ИСТИҚБОЛ» ОДИМЛАРИ

**Қашқадарё вилояти**нинг Сайидо Насафий номли кутубхонасида ХДП вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, фаоллар иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшлар муаммолари бўйича мониторинг ўтказиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан дастур ишлаб чиқиш, «Истиқбол» ёшлар қанотининг барча бўғинлари фаол ишлашига эришишнинг йўллари ҳақида сўз юритилди.

**Янгиариқ туман кенгаши** ташаббускорлигида 22-, 27-мактабларда партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари билан ёшларнинг учрашувлари ўтказилди. Тадбирларда иштирок этган партия фаоллари ЎзХДП дастурий мақсадлари ҳақида гапирдилар. Узоқ йиллик тажрибага эга устозлар ҳамда ёш ўқитувчилар ҳам ёшлар таълим-тарбияси, улар сиёсий онгини ўстиришнинг аҳамияти ҳақида тўхталдилар. Учрашувлар якунида партияга аъзо бўлган бир гуруҳ ёш ўқитувчиларга партия билетлари топширилди.

**Навоий шаҳар кенгаши** қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолларининг Навоий давлат педагогика институтида ёшлар билан учрашуви ҳам савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Талабалар, партиянинг ёш аъзолари томонидан берилган кўплаб саволларга Навоий вилоят партия кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Х.Қурбонов, институт биринчи проректори А.Ҳошимов, Навоий шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Л.Собирова жавоб бердилар, ЎзХДП фаолияти, дастурий мақсадлари ҳамда «Истиқбол» ёшлар қанотининг вазифалари билан таништирдилар.

✧✧✧

**Урганч туман кенгаши** томонидан тумандаги саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи жамоаси ва шу ердаги маҳалла фаоллари билан «Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда партия кенгаши раиси Х.Ваисчанов сўзга чиқиб, мазкур сайловнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, унинг ҳуқуқий асослари ва бу жараёнда партия ташкилотларининг иштироки хусусида гапирди.

**Ғузор туман кенгаши** тумандаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида партия мафкурасини тушунтириш, унинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбир ўтказди. Партия кенгаши раиси Р.Холманова сўзга чиқиб, бу борадаги вазифалар, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш ҳақида гапирди. Шунингдек, тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Хўжақулова ва бошқалар ёшлар ўртасида партия дастурий мақсадларини тушунтирдилар.

**Деҳқонобод тумани**даги М.Ибрагимов номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан «Партия менинг ҳаётимда» номли давра суҳбати ташкил қилинди. Унда иштирок этган партия фаоллари, ЎзХДПнинг ёш аъзолари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатлари йўлида партия бошланғич ташкилотларининг вазифалари ҳақида фикрлашдилар.

**Қашқадарё вилоят кенгаши** томонидан жойларда ўтказилаётган суҳбат ва учрашувлар «Муаммони ўзимиз ҳал этайлик» деб аталмоқда. Чироқчи туманини марказий шифохонаси ҳамда Қорателпак қишлоғидаги врачлик пунктида ўтган учрашувларда шифокорлар, маҳалла фаоллари иштирок этишди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, муаммоларни ўз ўрнида ҳал этиш, тиббий хизмат даражасини кўтариш ва бошқа масалалар қизғин муҳокама қилинди.

**Сергели туман кенгаши** Политехника касб-ҳунар коллежида бир гуруҳ партия фаоллари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар билан коллеж талабаларининг учрашувини ташкил қилди. «Эгали юрт эркини бермас» мавзуида бўлиб ўтган тадбирнинг асосий мақсади мамлакатимизга қарши қаратилган ғоявий-информацион ҳуружларнинг моҳиятини атрофлича тушунтириш ва уларга қарши аксилтарғибий ишларни олиб бориш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалаларига қаратилди. Суҳбатда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг етакчи илмий ходими Р.Саидов ва Тошкент давлат юридик институти ўқитувчилари талабалар саволларига жавоб бердилар.

**Сергели туманида** Чернобиль фожиасининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Хотира» хайрия тадбирида ЎзХДП туман кенгаши фаол иштирок этди. Туман партия кенгаши раиси Л.Исматова мазкур фожиа оқибатларини тугатишда қатнашганларнинг кўрсатган қаҳрамонликларини халқимиз ҳеч қачон унутмаслигини таъкидлади. Тадбирни ташкил қилишда иштирок этган туман ҳокимлиги ва қатор жамоат ташкилотларининг эсдалик совғалари чернобилчиларга топширилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# «АВТО ОЛАМ МАЛИКАСИ — 2006»

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Авто олам маликаси — 2006» спорт мусобақаси ўтказилди. Унда мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган 27 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Мусобақа шартларига кўра, қатнашчиларнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимлари ҳам синаб кўрилди.

Тошкент шаҳар «Тез тиббий ёрдам» шифохонаси кўз касалликлари бўлими бошлиғи Зулфия Мақсудова «Авто олам маликаси», деб топилди. Ғолибга мусобақа бош ҳомийси — «Ўзавтосаноат» компанияси томонидан «Матиз» автомашинаси топширилди.

Қизиқарли кечган баҳсларда муносиб иштирок этган Ойдин Илёсова, Шаҳноза Қўчқоровалар биринчи, Наталья Иванова, Наталья Панфилова, Нигора Аҳророва иккинчи, Наргиза Холмуҳамедова, Нафиса Турғунова, Комила Бозоровалар эса учинчи ўринни эгалладилар.

Шунингдек, ўн нафар қатнашчи «Энг ёши улуғ иштирокчи», «Энг жозибали иштирокчи», «Кўп йиллик тажрибага эга», «Тиббий билимлар эгаси», «Энг ёш иштирокчи» каби номинациялар бўйича ғолиб, деб топилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

***Суратларда:*** *мусобақа ғолибларини тақдирлаш.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**






**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

# «БЕКАТЛАРДАГИ НОХУШ МАНЗАРАЛАР»

**Газетамизнинг 28 март сонида ушбу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада пойтахтимиз бекатлари, айниқса, метро бекатларида ва бошқа жамоат жойларида писта, қурт, сигаретларни ўзбошимчалик билан сотиб ўтирган, «уяли телефон орқали таксафон хизмати»ни таклиф этаётганлар кишида нохуш кайфият уйғотиши, замонавий бекатлар, йўлаклар, майдонлар ҳуснига доғ бўлиб тушаётгани ҳақида мулоҳаза билдирилган эди.**

**Ушбу мақола юзасидан жавоб хатлари олинди.**

«...Мақолада қайд этилган ҳолатлар ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан деҳқон бозорларида, бозордан ташқари аҳоли гавжум жойларда, оммавий транспорт бекатлари, метро бекатлари, чорраҳалар ёнида ва йўллар ёқасида ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш ва уларни тартибга келтириш мақсадида туман Давлат солиқ идораларига зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, мунтазам равишда назорат ишларини олиб бориш ва раҳбарият томонидан доимий назорат ўрнатилиши борасида кўрсатма ва топшириқлар берилган ва бу борада жойларда ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, савдо фаолиятларига чек қўйилмоқда.

Жумладан, Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан йил бошидан буён ўтказилган текширишлар жараёнида 286500,0 минг сўмлик товар-моддий бойликлари ва 5245,8 минг сўмлик 2658,5 литр спиртли ичимлик, 63,0 литр қиймати 107,7 минг сўмлик спирт маҳсулоти ҳамда 11994,9 минг сўмлик 31090 қути тамаки маҳсулоти кирим ҳужжатлари ва сифат-сертификати ҳамда акциз маркалари бўлмагани сабабли олиб қўйилган. Шунингдек, солиқ хизмати ходимлари ҳамда Давлат алоқа инспекцияси билан ҳамкорликда жисмоний шахслар томонидан уяли телефон аппаратлари орқали ноқонуний таксафон хизматлари кўрсатилишини олдини олиш бўйича ўтказиб келинаётган тадбирлар натижасида 20 ҳолатда қоидабузарлик аниқланиб, уларга нисбатан 432,4 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган.

Шайхонтоҳур тумани ДСИ ходимлари томонидан «Эски Жўва деҳқон бозори» ва «Чорсу» метро бекати атрофидаги ҳудудда ўтказилган тадбирлар натижасида 143 ҳолатда қоидабузарликлар, жумладан 120 ҳолатда тегишли ҳужжатларсиз савдо қилиш, 10 ҳолатда акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш, 7 ҳолатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилиш ва 1 ҳолатда бошқа қоидабузарликлар аниқланган...

Қоидабузар шахсларнинг 111 нафарига нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун туман судига ва 8 нафарига расмийлаштирилган ҳужжатлар жиноий иш қўзғаш учун туман прокуратурасига юборилган.

М.Улуғбек тумани ДСИ ходимлари томонидан Буюк ипак йўли метро бекати атрофида ўтказилган тадбирлар натижасида 32 ҳолатда қоидабузарликлар аниқланган. Ушбу қоидабузар фуқаролардан жами қиймати 2295,4 минг сўмлик товар моддий бойликлари ва 151 кути қиймати 25,1 минг сўмлик тамаки маҳсулоти ҳамда 2,5 литр қиймати 4,0 минг сўмлик спирт маҳсулоти олиб қўйилган.

Қоидабузар шахсларнинг 29 нафарига расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун туман ДСИнинг «Маъмурий амалиётни ташкил ва назорат қилиш» бўлимига топширилган. 3 нафарига расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун туман прокуратурасига юборилган.

Чилонзор тумани ДСИ ходимлари томонидан Чилонзор метро бекати атрофида ўтказилган тадбирлар натижасида 17 ҳолатда қоидабузарликлар аниқланган. Ушбу қоидабузар фуқаролардан жами қиймати 820,1 минг сўмлик товар моддий бойликлари ва 80 кути қиймати 25,0 минг сўмлик тамаки маҳсулоти олиб қўйилган. Шунингдек, 3 ҳолатда ҳеч қандай ҳужжатсиз ноқонуний равишда уяли телефон аппарати орқали хизмат кўрсатаётган фуқаролар аниқланиб, уларга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман ДСИнинг «Маъмурий амалиётни ташкил ва назорат қилиш» бўлимига топширилган.

Ҳозирда бу борада солиқ хизмати ходимлари томонидан мунтазам равишда назорат ишлари давом эттирилмоқда.

**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Н.НОДИРХОНОВ».**

✧✧✧

«...Бекатдаги нохуш манзаралар» сарлавҳали танқидий мақола метрополитен бекат бошлиқлари билан биргаликда атрофлича муҳокама этилди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун бекат бошлиқлари, метрополитенни қўриқлаш бўйича ички ишлар бўлими ходимлари ва бекат жойлашган туман ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда доимий равишда ноқонуний савдо-сотиққа қарши чора-тадбирлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, ер ости йўлларидан бекатларнинг чиқиш жойидаги «Метро» реклама кўрсаткичларигача бўлган ҳудуд метрони қўриқлаш бўйича ИИБга, кўрсаткичлардан бошланган ҳудуд эса бекатлар қайси туманга қарашли бўлса, шу туман ИИБга қарашли ҳудуд деб белгиланган бўлиб, тузилган далолатномалардан нусха Тошкент шаҳар ИИБ БППХ ва ЖТСББга юборилган. Метрополитеннинг Чилонзор, Амир Темур хиёбони, Чкалов, Беруний бекатлари юқорисида мавжуд бўлган сунъий бозорларни йўқ қилиш бўйича ҳудудий туман ИИБларига мурожаат хатлари, метрополитенни қўриқлаш бўйича ИИБ бошлиғи номидан юборилган.

Юқоридаги масала бўйича ўтказилган мажлисда Чорсу, Чилонзор, Буюк ипак йўли бекатлари бошлиқларига, метрополитенни қўриқлаш ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда метрополитенга қарашли ҳудудда мунтазам равишда ноқонуний савдо-сотиқни бартараф этиш борасида тез-тез рейдлар ўтказиб бориш юклатилди.

**Тошкент Метрополитени бошлиғи М.А.ОДИЛОВ.»**

**Жиноятга жазо муқаррар**

# НАФС ТУЗОҒИ

Ҳаётимизнинг мазмуни қилаётган амалларимизга боғлиқ. Кимдир яхши ишларга қўл уриб, умр дафтарини безайди. Кимдир ўз фойдаси йўлида бошқалар ҳаётига чанг солишдан ҳам тап тортмайди. Адашганлар эса... Минг афсуски, улар орамизда ҳамон учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Когон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан бир қатор ишлар қилиндики, натижада, айрим адашган фуқароларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига хотима ясалди.

Когон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси вилоят йўл-патрул хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд-текширув давомида давлат рақами 20 F 78 99 бўлган «Форд» русумли автомашина тўхтатилди. Ундаги спиртли ичимликлар учун ҳужжат сўралганда, ҳайдовчи ҳеч қандай ҳужжат кўрсатолмади. Қоровулбозор тумани Ал-Бухорий номли кўчада истиқомат қилувчи тадбиркор Исроил Шаропов назорат идоралари ходимларининг саволларига жавоб беролмай қолди. Автомашина ичидаги маҳсулотлар кўздан кечирилганда нархи 1200 сўм, сиғими 0,5 литрдан бўлган 120 шиша «Шоҳруд» ароғи, нархи 1500 сўм, сиғими 0,5 литр бўлган 12 шиша «Генералская» ароғи, нархи 750 сўм, сиғими 0,25 литр бўлган 100 шиша «Карвон» ароғи, нархи 500 сўм, сиғими 0,25 литр бўлган 18 шиша «Троя» ароғи — жами 201 минг сўмлик спиртли ичимликлар ва 45 минг сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулотларини Қоровулбозор туман бозорида сотиб, даромад олиш мақсадида олиб кетилаётганлиги аниқланди. Жиноят аломатлари мавжудлиги боис мазкур ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар Когон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКБга қонуний ҳал қилиш учун юборилди.

Когон шаҳар ДСИ ва шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда Когон шаҳар Зебунисо кўчаси 16-уйда яшовчи Олима Ҳамидова ўз уйида қўлбола арoқ тайёрлаб сотаётганлиги аниқланди. Ундан нархи 800 сўмдан 65 дона, жами 52000 сўмлик «Шоҳруд» ароғи, 1,5 литрли 16 та елим идишдаги 32000 сўмлик спирт маҳсулоти, бўш ароқ шишалари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан шаҳар прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғади.

Юқорида номлари қайд этилган ҳамюртларимизнинг нафслари ҳакалак отмаганда эди бугун уятдан бош эгиб турмаган бўлишарди?!

**Шамсиддин ШАРИПОВ, Когон шаҳар ДСИ бошлиғи ўринбосари**

# ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

**Юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда.**

Шаҳарда қирқ беш нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, беш юздан ортиқ меҳнат жабҳасида матонат кўрсатган фахрийлар истиқомат қилади. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари уларни сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, турар-жойларини таъмирлаб бериш чораларини кўрмоқда.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлигида барча уруш ва меҳнат фахрийлари ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Зангиота мажмуаларини зиёрат қилиб қайтишди.

**Дилором ЭСОНОВА, ЎзА мухбири**

